

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартларива талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқи жро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг жросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жфрима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки иктисодий шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳсларкелиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарориди кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди